

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрида Тошкент шаҳрини ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 37452,0млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 108,4 фоизга тенг бўлди.


### Январь-сентябрьойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>28360,6</b>	<b>37452,0</b>	<b>108,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25183,2	33501,5	108,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	3177,4	3950,5	108,9
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>25183,2</b>	<b>33501,5</b>	<b>108,3</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	9726,0	14031,7	106,9
Саноат	7692,2	11126,0	105,8
Қурилиш	2033,8	2905,7	111,0
Хизматлар	15457,2	19469,8	109,2
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5182,9	6480,9	104,4
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	4013,6	5044,1	116,7
Бошқа хизматлар	6260,7	7944,8	108,5

Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат

тармоғининг ўсиш сурати – 105,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши-33,2 %), қурилиш – 111,0 % (8,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,4 % (19,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 116,7 % (15,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,5 % (24,0 %) ни ташкил этди.

**ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда (2018 йил январь-сентябрь ойларида)**



**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
январь-сентябрь ойларига(жамига нисбатан фоизда)**

**2017 й.**


**2018 й.**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2018 йил январь-сентябрь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 19,3 % ни (2017 йил январь-сентябрда 20,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 15,1 % ни (2017 йил январь-сентябрда 15,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,7 % ни (2017 йил январь-сентябрда 24,9 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,  
январь-сентябрь ойларида  
(жамига нисбатан фоизда)**



Тошкент шаҳрииктисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 89,5 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 10,9 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 41,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 58,1 % ни ташкил этди.